Профессионал бокс

## МУҲАММАДҚОДИР – ҚИТЪАЛАРАРО ЧЕМПИОН!



***АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида жойлашган машҳур «Mandalay Bay» мажмуида таниқли профессионал боксчилар иштирокида рейтинг ва чемпионлик камари учун жанглар ўтказилди. Ҳаваскор боксда қитъа, жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпионлигини қўлга киритиб, профессионал боксга ўтган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, америкалик Жесси Фелисиано билан WBO йўналиши бўйича Intercontinental (Қитъалараро) чемпионлик камари учун рингга чиқди.***

12 раунд давом этиши лозим бўлган ушбу чемпионлик жанги олдидан ҳар икки боксчининг имконияти деярли тенг баҳоланаётганди. Чунки жаҳон рейтингида 18-ўринда қайд этилган Муҳаммадқодир Абдуллаев рақибига нисбатан анча тажрибали бўлишига қарамай, АҚШга Германиянинг «Uniйersum Box Promotion» клуби аъзоси сифатида келганди. Профессионал боксда эса Европада шуғулланаётган боксчиларнинг АҚШда ташкил этилган жангларда маҳаллий спортчилар устидан ғалаба қозониши анча мушкул.

Ҳамюртимиз профессионал боксни АҚШда бошлаган бўлса-да, фаолиятидаги ягона мағлубиятига америкалик мураббийининг нохолислиги сабаб бўлгани боис, машғулотларни Германиядаги мутахассислар ёрдамида ўтказишни маъқул кўрди.

Муҳаммадқодирнинг рақиби Жесси Фелисиано ёш бўлишига қарамай, профессионал рингда ўн иккита жангни ғалаба билан якунлаган, иккитасида дуранга эришган ва атиги бир марта енгилган холос. Ж.Фелисиано жаҳон рейтингида 51-ўринда қайд этилган.

Чемпионлик камари учун ўтказилган жанг анча кескин ва муросасиз кечди. Ҳар икки боксчи ҳам бир-бирига кучли ва аниқ зарба бериб, беллашувни муддатидан олдин якунлашга ҳаракат қилди. Бироқ тажриба ва маҳорат бобида америкалик боксчидан анча устун Муҳаммадқодир Абдуллаев еттинчи раундда ташаббусни бутунлай ўз қўлига олди.

Кейинги раундда Муҳаммадқодир рақибига бир нечта аниқ ва кучли зарба берди. Бу ҳолатда америкалик боксчи юзини ҳимоя қилишга ҳам ўзида куч тополмади. Ж.Фелисианони ўзбекистонлик боксчининг залворли зарбаларига дош беролмаётганини кўрган учрашув рефериси саккизинчи раундда Муҳаммадқодир Абдуллаев ғалаба қозонганини эълон қилди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик профессионал боксчи ўн тўртинчи ғалабасига эришди ва Қитъалараро чемпионлик камарига сазовор бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**
**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Меҳр ва мурувват — ҳар кимнинг ҳар кунлик иши

**Тошкент вилояти**

# САХОВАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ва туманларнинг энг чекка қисмидаги қишлоқларда хайрия тадбирлари ташкил этмоқда. Оққўрғон, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Бекобод, Паркент, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон туманларида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига 2864256 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

**Тошкент шаҳри**

# ШАРҚ ГУЛИДА ШАРҚОНА УДУМ

***Акмал Икромов туманидаги Шарқ гули маҳалласида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси шаҳар бўлими хайрия тадбири ўтказди. Тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси шаҳар бўлими раиси Р.Акромов кириш сўзи билан очди.***

— Мамлакатимиз кун сайин юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда, — деди раис. — Шу боис юртимизда эришилган ҳар бир ютуқлардан қувонишимиз, шундай бой тарихи бўлган халқ фарзанди эканлигимиздан фахрланишимиз керак. Агар биз бир жону бир тан бўлсак, ватан, халқ, тинчлиги йўлида жипслашсак, ҳеч қандай ёвуз кучлар бизнинг тинчлигимизга раҳна сола олмайди.

Тадбирда Шарқ гули маҳалласида истиқомат қилувчи 8 та эҳтиёжманд оилага Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси шаҳар бўлими томонидан 25 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Шунингдек, жамғарманинг туман бўлинмаси эҳтиёжманд оилаларга хайрия тарзида бериш учун маҳалла фуқаролар йиғини ҳисоб рақамига 150 минг сўм маблағ ўтказди.

**Фаррух БЎТАЕВ, “Mahalla” мухбири.**

**Сурхандарё вилояти**

# ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ

***Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла ҳудудида жойлашган “Муҳаммад” хусусий шифохонаси етти йилдан буён туман аҳлига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.***



СУРАТДА: **бош шифокор Н.Худойбердиев (чапда) шифохона ходими билан.**

Ички касалликларни даволашга ихтисослашган мазкур шифо масканида физиотерапия, диагностика, лаборатория каби бўлимлар фаолият кўрсатади. Шунингдек, мазкур шифохона ўзининг ошхона, маъданли сув билан даволаш хонаси ҳамда турли замонавий тиббий ускуналарига эга.

— Шифохонамизда 29 киши меҳнат қилади, — дейди бош шифокор Нурмуҳаммад Худойбердиев. — Бу ерда эҳтиёжманд кишиларга бепул хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Ўтган йили ана шундай муҳтож инсонлардан 40 нафарини даволаган эдик. Бу йилда эса қўли енгил ходимларимизнинг муолажалари туфайли кўплаб тумандошларимизни бепул даволашни амалга оширмоқдамиз.

**О.ШУКУРОВ**

# “ЭКОСАН” ДАСТУРИДА

***“ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган “ЭКОСАН — Меҳр ва мурувват йўлида” дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига, меҳрибонлик уйлари, махсус интернатларга, мурувват уйларига ва айниқса боқувчисини йўқотган кўп болали аёлларга, ёлғиз қарияларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш белгиланган.***

Мазкур дастурга биноан, “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва “Ўзтелерадиокомпанияси” ҳамкорликда бир қатор хайрия тадбирлари ташкил этиб келмоқда.

Яқинда ушбу дастур доирасида Тошкент вилояти Пскент туманида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Унда “ЭКОСАН” Халқаро жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими, Пскент тумани ҳокимлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман аҳли иштирок этдилар.

Тадбирда 79-сонли махсус интернат тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қарияларга 1 млн. сўм миқдорида мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, йиғилишда “Энг мурувватли қўшни”Республика кўрик-танловини туманда янада фаол ташкил этиш масаласи муҳокама этилди.

**МУХБИРИМИЗ**

**Муҳтарама УЛУҒ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# БАҒРИНГ БУТУН БЎЛСИН, МЕҲР!

**Бундан бир неча йиллар аввалги бир манзара сира кўз олдимдан кетмайди: ўшанда ҳам баҳор, лекин об-ҳаво унча исиб кетмаган, баҳорнинг илк кунлари эди.**

Мен пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасидаги 24-Меҳрибонлик уйига ҳеч кимни огоҳлантирмасдан эрта тонгда кириб бордим. Ичкарига қадам қўйишим билан эътиборимни ҳовли саҳнининг нариги бурчагида дарахтлар тагини супуриб юрган ўнга яқин болалар тортди: уларнинг ёшлари 4-5 дан юқори эмасди. Тўладан келган, оқ халатли аёл ёнларида туриб назорат қиларди, буйруқ берарди.

Болаларни меҳнатга ўргатишнинг ҳеч ёмон томони йўқ, лекин, ачинарлиси шундаки, изғиринли тонгда ўз бўй-бастларидан унча калта бўлмаган супургиларни кўтариб юрган болаларга раҳмим келди. Бунинг устига уларнинг уст-боши жуда юпун эди. Бир-бириникига ўхшаган иштончаю кўйлакчаларининг ичидан ҳаттоки ич кийимлари ҳам йўқлиги шундоққина кўриниб турарди...

...Яқинда яна қўнғироғу огоҳлантиришларсиз дам олиш куни кириб бордим, бу даргоҳга. Болалар тушликдан кейин эндигина жой-жойларига чиқиб ётишган экан. Жуда таниш ҳолат: Меҳрибонлик уйининг болалари ҳузурларига кириб келган аёлларга бошқача қизиқиш билан қарашади. Суҳбатлашишни хоҳлаганларни чақирганимда, улар учун гўёки кутилмаган қувонч келди — бири-биридан ўзишиб менга яқинроқ ўтиришга ҳаракат қилишарди.

Кенг хонадаги икки қаватли кароватлардаги ўринлар оппоқ. Болаларнинг кийимлари ҳам оппоқ пахтадек.

Танишдик. Қундуз, Аваз, Севар, Дилшод, Достон, Собир, Рустам, Шаҳноза... — ҳаммаси аъло баҳоларга ўқишаркан. «Дунёда ному нишоним — ақлли ҳушли фарзандим қолсин» — деб тилаган ҳарки инсонни бахтли ота ёки она қилиши мумкин бўлган мунчоқдек болалар...

— Бир нарсага келишиб оламиз, — дедим суҳбатимиз аввалида. — Кўнглимизда нима гап бўлса, яширмаймиз, хўпми?

Болалар рози бўлишди. Лекин...

— Менинг ойим ҳар ҳафтада олиб кетадилар, — деди тирсагимни оҳиста ушлаб ўтирган бола.

— Бугун менинг дадам келадилар, агар рухсат беришса, олиб кетадилар...

— Тарбиячимиз бизга мақоллар, ҳадислар ҳам ўргатадилар, — деди Рустам.

Болалар бир-бирларининг гаплари тугашини бетоқатлик билан кутиб ҳадислар айта бошладилар.

— Бир киши Пайғамбаримиздан сўрадилар: «Ким мусулмон?» Расулиллоҳ жавоб бердилар: «Тилидан бировга озор етмаган одам чин мусулмондир».

Дилшод навбатдаги ҳадисни ихлос билан айтади:

— Киши ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир.

Достон «Яхшиликни энг аввало кимга қилиш керак»лиги ҳақидаги ҳадисни бошлаганди, болаларнинг ҳаммаси жўр овозликда давом эттиришди: «Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга!»

Болаларни қайси мавзуда суҳбатга тортмай, барибир гап-сўзлар ота-она, қадрдон уй, ака-опаларига бориб тақаларди.

— Шароитларни кўряпсиз, — дейди тарбиячи Мамлакат Исмоилова, — болаларнинг соғлом ўсиши учун озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар етарли. Ўқиш, шуғулланиш, ўйинлар ўйнаш учун ҳамма шароитлар бор. Лекин улар ўз ота-оналарига, уйларига талпинаверадилар. Бир қизимиз жуда чиройли ўйнайди. Раққосамиз, деб эъзозлаймиз, эркалатамиз. Яқинда у уйига кетиб, ўн кунгача дараги бўлмади. Излаб борсак, гиёҳванд онасининг олдида шунақа одамлар ўтиришибди-ки, уларнинг орасида болани қолдириш умуман мумкин эмас. Лекин онаси-да, қизимиз у билан қолишни истайди. «Яқинда ойинг тузалиб қолса, бутунлай келасан», деб олиб келдик...

— Болаларингиз ҳар ҳафтада онам ёки дадам келиб кўриб кетишади, дейишди-ку...

Бу гапим тарбиячининг хомушлигини орттирди.

— Биласизми, тўққиз-ўн ёшдан боланинг табиати ўзгара бошлайди. Энди уларда қандайдир ўз шаъни, обрўсини сақлашга интилиш туйғуси уйғонган. Бошқалар олдида ўзларини ҳам, ота-оналарини ҳам камситишни истамайдилар. Айримларининг ота-оналари ойлаб, йиллаб кўринмай кетадилар. Ташлаб кетганича хабар олмайдиганлари бор. Тўғри, боқувчисиз қолиб, иқтисодий қийналганликдан болаларини бу ерга топширганлар тез-тез хабар олишади, фарзандларининг билим олишига, ўзлари қизиққан машғулот билан шуғулланишига имконият кенглигидан кўнгиллари таскин топади. Лекин ота-оналари ичкиликка, гиёҳвандликка берилганлиги, нопок йўлга кириб кетганлиги сабабли бу ерга топширилган болалар дилларидан кечаётганини ҳар кимга ҳам очиқ айтавермайди.

Эндигина ўсмирлик оламига кириб бораётган, бир қарасанг, ҳалиям ўйинқароқликни тарк этмаган, яхшироқ разм солсанг, кўзларида жавобсиз саволлари жавдираб турган бу ўғил-қизларнинг сабру иродалари кўпчилик катталарга ибрат бўлгулик. Зеро, шу масъум қалблардаги сабру бардош, ирода уларнинг ота-оналарида бўлганда эди...

...Жимжитликни болаларнинг овозлари бузди. Тамаддидан кейин болалар ўзлари яхши кўрган машғулотларга тарқалдилар.

— Болалар эркинликни ёқтирадилар, — дейди Мамлакат опа. — Ўзлари ёқтирган машғулот билан соатлаб шуғуллансалар ҳам зерикмайдилар.

Қисқа учрашувдаёқ қадрдон бўлиб қолган кичик дўстларим: Собир таэквандо билан шуғулланаяпти, Дилшод компьютерда дастур тузаяпти, Севар билан Шаҳноза эса қўшиқ эшитиб, ўзлари ҳам ҳиргойи қилишаяпти. Рустам эса болалар қий-чув қилиб ўйнаётган чиройли майдонча четида хаёл суриб ўтирибди.

— Сиз нимага қизиқасиз? — деб сўрадим ундан.

— От минишга, — деб кўзлари чақнади Рустамнинг. — Уйимизда от бор эди. «Чув» десанг, учиб кетарди.

— Ҳозир ҳам борми?

Рустам ерга қаради. Демак, ноўрин савол бердим.

— Катта бўлганингизда ўзингиз от сотиб олишингиз мумкин! - дедим чиройли сочларини силаб.

— Машина ҳам сотиб оламан. Қийналганларга, қарияларга ёрдам бераман.

Рустам билан гаплашиб ёнимга Дилшод, Аваз, Қундузойлар ҳам келиб ўтиришганини сезмабман.

— Мен ҳар куни уйқум келмаса, тарбиячи опаларимни, ўқитувчиларимизни ўйлаб ётаман, — Севарнинг гапи қулоғимга қуйилиб қолди. — Катта бўлганимизда биз ҳам уларнинг яхшиликларига яхшилик қайтарамиз...

**Албатта, яхшилик беиз кетмайди. Болалар улғайганлари сайин ўзларини авайлаб, ардоқлаб, ону туз, билим ва тарбия, мурувват берган бу даргоҳни, ўкситмасдан улғайтирган Ватан меҳр-муҳаббатини теранроқ англаб борадилар, қадрлайдилар, иншаалоҳ.**

**Тошкент шаҳри**



***Собир Раҳимов туманидаги 22-Меҳрибонлик уйида улғаяётган ҳар бир ўғил-қиз маскан директори Матлуба Охуновани меҳрибон жонкуярлари сифатида биладилар. Ўз ўрнида Матлуба опа ҳам ота-она меҳрига интиқ болажонларнинг кемтик қалбларига малҳам бўлишга интилади.***

***Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.***

## “Бахт-иқбол ... ҳуқуқига эгаман” танловига

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**... Туғилган кун тугаб, ҳамма уй-уйига тарқалгач, хонадонга жимжитлик чўкди. Муҳаррам пешонабоғини бошига чамбарак қилиб боғлаб, ғамгин ҳолда ичкари уйга кирди. Унинг орқасидан термулиб қолган Тошвой хотинининг кўнглидан нималар кечаётганлигини ҳис этди.**

# ТАҚДИР ДАРЧАСИ

“Биргина қизи бўлса-ю, орқасидан югуриб кириб, чарчоғига қарамай, “ўзимнинг аяжоним, ҳозир янги эртак айтиб берсангиз”, деб бўйнига осилиб, ҳамма дард-андуҳларини бир зумда тарқатиб юбормасмиди? Ўғилчамиз бўлганда, “менга тойчоқ олиб берасиз-а, дадажон” дея елкадан тушмай эркаланиб, дилларга нур сочмасмиди?” Шуларни ўйлар экан томоғига нимадир тиқилди.

Муҳаррам отасидан эрта ажралган укалари — Абдураҳмон, Абдуманнон, сингиллари — Муҳаббат, Муқаддамхонларни иссиқ бағрига олди. Уларга етимликларини билдирмади. Поччалари Тошвой ҳам етимларни жонига жойлади, ширин сўзини, топганини аямади. Уларнинг бири келин, бири куёв бўлиб шу хонадондан қанот чиқаришди, бахтини топишди. Ёлғизлик уйни тўлдириб турган қайноға-ю-қайнисингиллар чиқиб кетишгач, очиқ билинди. Муҳаррамнинг “бош хуружи” ҳам ҳам ана ўшандан кейин тез-тез тутадиган, кучаядиган бўлиб қолди.

Тирноққа зорлик... Бу азобдан-азоб! Эр-хотин банданинг бошига тушадиган бу азоб-уқубатларга чурқ этмай бардош берди. Эр-хотинни, хотин эса эрни ниҳоятда авайлар, биргина сўзни ҳам ниҳоятда ўйлаб, чиғириқдан ўтказгандан сўнгина тилга олишарди. Тошвой учун анчадан бери ўйлаб юрган фикрини айтиш ҳар қачонгидан ҳам мушкул бўлди.

— Муҳаррам, агар кўнглингга олмасанг сен билан маслаҳатлашадиган муҳим бир гап бор.

— Айтинг, кўнглимни оғритадиган гап айтмассиз ахир. Яхши биласиз, шундоғам юрагим яримта ўзи.

— “Болалар уйи”дан фарзандликка бирор ўғил, қизми олсак. Ҳам савобга қоламиз, ҳам ҳамроҳ бўлади.

— Ихтиёр ўзингизда. Лекин бировнинг боласи бизга фарзандлик қилармикан?

— Бу бизнинг иккаламизга, тарбиямизга боғлиқ. Ҳали эсини танимаган гўдакни оламиз. У кўз очиб, ақлини таниб бизни билади. Ота-оналик меҳрини берамиз, бировдан кам қилмаймиз, Худо хоҳласа...

Уч-тўрт кун ўтгач, хонадондан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Муҳаррамнинг ташвиши ортди. Олти ойлик Юсуфжон аясига эртадан-кечгача шуғулланадиган иш топиб берди. Дунёда ундан кўра бахтлироқ инсон йўқ эди ўшанда.

... 1946 йилнинг қиши. Қаҳратон совуқ, уруш қирғинбаротидан оч-юпун чиқиб тўкилган халқни яна бир бор синовдан ўтказди. Мадори қуриган, ҳали ҳатто яраси битмаган Турсунбой ана шундай оғир кунларда фронтдан қайтди. Фурсатни бой бермай, колхоз раисининг олдига иш сўраб чиқди.

— Чўпонлигингни давом эттираверасан. Биламиз, яхшигина мергансан. Ҳозир бу касб ҳам иш берадиган замон. Чўлдаги бўри-ю тулкилар оч, қўзнинг юмилишини сезгудек бўлса, отарга ёпирилиб доғда қолдиради.

Турсунбой отарни қабул қилиб олди.

Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Далада пўстак судрасанг илашадиган гиёҳ йўқ. Ёйганда қўйларнинг оёғи ёзилишини ҳисобга олмаганда, қалин қор остидан бирор емиш топиб кавшаниши амри маҳол эди. Бунинг устига бир кечада уч совлиқ бўриларга ем бўлди. Бугун туман раҳбарлари, эртасига милиция, индинига прокурор келавериб, суриштираверириб, чўпонни безори жон қилишди.

Бу ғалвалар ҳали-бери тугамаслигини англаган Турсунбой тўрт боласининг тақдирини Худога топшириб, хотини, қизчаси Тошбуви билан қишлоқдан ғойиб бўлди. Оғироёқ хотинининг кўзи ана шу қувғинликда ёриди. Ўғилчасига Юсуф деб ном беришди...

Оч-яланғоч кунлар Турсунбойнинг мадорини қуритди. Уч-тўрт кун оғриб, жон таслим қилди. Хотини Болмомо аро йўлда қолди. Икки фарзандини бағрига босиб, пиёда уйга — Қашқадарёга отланди.

Узоқ йўл, бунинг устига очлик, бедорлик туфайли Болмома қишлоқда қолган болалари ҳузурига етиб келолмай, бандаликни бажо келтирди. Кимсасиз яйдоқ чўлда яккаю ягона қабр қад кўтарди.

Мучал ёшидаги Тошбуви эти суягига ёпишган укачасини бағрига босиб, қишлоғига етиб келди. Йиғилган қариндош-уруғлар “Чақалоқ жуда ёш бўлса, эплай олармидик, “Болалар уйи”га топширишдан бошқа илож йўқ” деган фикрга келдилар.

“Чилласида чироқ кўрмаган” Юсуфжон Тош ака хонадонининг эркаси, арзандаси бўлиб ўсди. У узоқ йиллар фарзандсизлик уқубатларини тортган оилага бахт олиб келди. Унинг қадами қутлуғ келиб Юлдузхон туғилди. Қувонч, орзулар болалади, бирин-кетин Қундузой, Қумрихон оилани тўлдиришди.

Йигитча ота-она истагандек улғайди. Унинг бирдан-бир мақсади журналистика факультетида ўқиш эди. Аммо отасининг бевақт ўлими бунга имкон бермади. Каттагина рўзғор ташвишлари унинг елкасига тушди.

1965 йилда Қарши Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Вилоят радиосида сухандонликни ҳам талабалик билан қўшиб олиб борди.

Институтни тугатиб, ўзи таълим олган Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Бахтини топди, ўзи билан бир бўлимда ўқиган Гулсарахон билан оила қуришди.

Кўз очиб кўрган касби, жони дили — сухандонлик уни элга танитди.

1971 йилда у Республика радиосининг Қашқадарё вилояти мухбири қилиб тайинланди. 21 йил давомида унинг эшиттиришлари тилларда достон бўлди.

Вақтнинг ўтишини қаранг, унинг журналистика эшигига кириб келганига ҳам қирқ йил бўлибди.

Қашқадарёда ЭФМ радиоси иш бошлаганига атиги уч ой бўлди. Янги радиостансия ўз эшиттиришлари билан тез орада минглаб тингловчиларни, мухлисларини топди. Бунда Юсуфжоннинг ҳиссаси катта.

Юсуфжон — катта ва бахтли оила сардори. У турмуш ўртоғи Гулсарахон билан тўрт ўғил-қизни эл-юртга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбияладилар. Гулсарахон фақат болалар тарбияси билан ўралашиб уйда ўтириб қолмади. У шаҳардаги йирик мактаблардан бирининг директори.

**Яна бир бахт шундаки, қарийб қирқ йилдан сўнг Юсуфжон ўз туғишганларини, ака-ука, опа-сингилларини топди, уларни кучоғига олди.**

Ҳар маҳалла — бир олам

***Мамлакатимиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос каштачилик усуллари ва йўналишлари бўлиб, улар дунё бўйлаб ўз йўлини топмоқдалар. Булардан — Бухоро, Нурота, Самарқанд, Шаҳрисабз, Косон, Сурхондарё кашталарини айтиб ўтиш лозимдир. Масалан, Самарқанд каштаси деганда, Ургутнинг бир-биридан гўзал ва бетакрор кашталари кўз олдимизга келади.***

## ЗАНГИБОЙИ КАШТАДЎЗЛАРИ

Ургут кашталари ҳақиқатдан ҳам, ўзига хослиги билан машҳур ва бошқа кашталардан ажралиб туради. Шу қаторда, гарчи машҳур бўлмасада, неча йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган Паст Дарғом каштачилиги, хусусан Зангибойи қишлоғини ҳам тилга олиш лозимдир. Бу қишлоқ каштачилиги ўрганилмагандир. 30-60-йилларда ўз даврининг моҳир каштадўзлари Зангибойи маҳалласида фаолият кўрсатганлар. Зангибойи кашталари ўзининг нусхалари ва ранглари жиҳатидан бошқа вилоят кашталаридан, ҳаттоки Самарқанд кашталаридан ҳам ажралиб турган. Зангибойи каштадўзлари орасида моҳир чизмакашлар ҳам бўлганлар. Шулардан Бибиражаб она Абди қизи ва Шаҳзода она Қозоқбой қизи солган нақшу нигорлар, уларнинг бетакрор санъатининг ифодаси бўлган. Кашталарнинг нақш композициялари симметрик тарзда бўлиб, марказлама, раппорт усулидаги жамламалардан иборат бўлган. Ҳамма нақшларда ранглар уйғунлиги ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис, каштадўзлар нақшларга кўпроқ ёрқин ва нафис ранглар танлашга ҳаракат қилганлар. "Зангибойи" кашталарида оқ, сариқ, кўк ва қора ранглар асосий ранг ҳисобланган. Бу ранглар билан "лола", "ой" нусхалари тикилган. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида яратилган кашталарда яшил, малла ва қизил ранглардан ҳам кенг қамровли фойдаланганлар. Шуниси қизиқарлики, каштага нусха чизаётган чизмакашлар чизғич ёки бошқа ўлчамлардан фойдаланмаганлар. Ҳаттоки, кашта четига чизиладиган "оба"ларни ҳам ҳеч қандай чизғичларсиз қўлда чиза билганлар. Қадимги кашта нусхалари бир мунча кичик гулли нусхалар бўлган. Кейинчалик техника тараққиёти натижасида майда нусхали кашталарнинг ўрнини фабрикалардан чиқадиган тайёр гул босилган матолар эгаллаб бориши ҳамда хотин-қизларнинг кўпроқ хўжалик ишларига вақтлари кетиши майда нусхали кашталарга бўлган эътиборни сўндиради. Натижада маҳобатли ва соддароқ, тикилиши осонроқ бўлган кашталар оммалашиб боради.

**Сафура РЎЗИМУРОДОВА**

Кичик тадқиқот

# ЯССАВИЙ САТРЛАРИДАГИ ФАРҚЛАР

- **"Яссавий... Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур..."**
- **Навоий Яссавий шеърларидан нега мисоллар келтирмаган?**
- **Яссавий сатирлари нега фарқли?**

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ**

Ҳеч ким Аҳмад Яссавийнинг шахсига, тасаввуф тарихида тутган мақомига ҳамда замондошлари билан муносабатларига Алишер Навоийчалик аниқ ва анча мукаммал баҳо бермаган. У ўзининг "Насойимул-муҳаббат" асарида ёзади:

"Хожа Аҳмад Яссавий... Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи (саркор) ва номаҳсур (чексиз) эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш... Имом қайси бийик маротибға етибдурлар, мусоҳиб бўлубдур ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибдурлар... (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том, "Насойийм ул-муҳаббат", Тошкент, 2001, 419-саҳ.).

**Ҳеч ким Аҳмад Яссавийнинг шахсига, тасаввуф тарихида тутган мақомига ҳамда замондошлари билан муносабатларига Алишер Навоийчалик аниқ ва анча мукаммал баҳо бермаган.**

Лекин у Яссавийга шундай юксак баҳо берган бўлишига қарамай, унинг шеърий меросидан, хусусан ҳикматларидан лоақал бир байт ҳам келтирмайди. Бунинг сабаби нимада? Ёки Навоий Яссавийни шоир сифатида унча тан олмаганми? Шундай савол туғилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бироқ шу нарса аёнки, Яссавийнинг тасаввуфий дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари унинг шеърияти орқали ифодаланган ва намоён бўлган. Бинобарин, унинг сўфийлигини, донишмандлигини тан олиш шеъриятини ҳам тан олиш деган гапдир.

Аммо гап шундаки, Яссавий Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Туркистон ҳудудларида фаолият кўрсатган бўлиб, Хуросонга унинг шеърлари у даврларда дарҳол ва осонлик билан етиб келиб, ўз мухлисларини осонгина топар эди, — дейиш қийин. Бизнинг тахминимизча, Навоийнинг қўлида унинг шеърий мажмуаларининг мукаммал нусхалари бўлмаган, борлари эса Навоий талабларига тўла жавоб берадиган даражада бўлмаган. Улуғ шоир "Насойийм ул-муҳаббат" каби жиддий илмий тадқиқотларида чала ва ноқис қўлёзмалар бўйича Яссавий шеъриятига баҳо беришни ўз зиммасига олмаган.

Бунга ёрқин далил сифатида XV асрнинг биринчи ярмида бугунги Қашқадарёнинг Ҳисор ҳудудида туғилиб, сўнг Туркияга бориб, ўша ерда фаолият кўрсатган Султон Аҳмад Ҳазинийнинг сўзлари, хусусан унинг "Жавоҳир ул-аброр" асари яхши мисол бўла олади.

Султон Аҳмад Ҳазиний фаолиятини махсус ўрганган ҳамда яссавийшунос олим Нодирхон Ҳасан олимнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга бағишланган "Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний" номли асарида маълум бир масалалар таҳлилида Аҳмад Яссавий шеърларидан ҳам кўпгина мисоллар, тўғрироғи, шеърий парчалар келтирган. Биз бу мисолларни кўздан кечириб, биздаги нашрларга қиёсланганимизда Ҳазиний фойдаланган нусхада бир қанча сўзлар асл матндан бошқача ёзилганини кузатдик. Биз шу нуқтаи назардан Яссавийнинг "Ичинда" радифли шеърини Тошкентда 1992 йилда босилган "Девони ҳикмат" билан байтма-байт солиштириб чиқар эканмиз, қуйидаги манзарага дуч келдик (аввал Тошкент, сўнг Туркия нусхаси):

**I. Холиқимни изلармен тун-кун жаҳон ичинда.**
**Тўрт ёшимдин йўл инди кавну макон ичинда.**

**II. Холиқимни истарам тун кун жаҳон ичинда.**
**Тўрт ёнимдин йўландум кавну макон ичинда.**

**I. Тўртдин еттига еттим, тўққузни гузар эттим.**
**Ваҳдат шаробин ичтим, туштум майдон ичинда...**

**II. Тўртдан еттига етдум, тўққузни бир ер этдим.**
**Иккидан ўнга етдум чархи кайвон ичинда...**

**I. Чунки туштум майдонға, майдонни тўла кўрдум.**
**Юз минг орифни сўрдум, барча жавлон ичинда.**

**II. Чунки туштум майдонға, майдонни тўла бўлдум.**
**Юз минг орифни кўрдум, барча жавлон ичинда.**

Яссавий асаридан Ҳазиний келтирган байтларда биз тагига чизиб кўрсатган бир қанча сўзлар биздаги нашрлардагидан бошқача ёзилган. Масалан, биринчи байтда "Холиқимни изلармен" жумласи Туркия нусхасида "Холиқимни истарам" деб ёзилиши котиб Яссавий асари тилини турклаштиришга ҳаракат қилганининг ёрқин далилидир.

Худди шунингдек, Яссавий асарларини бундан бошқа ҳудудларда ҳам ўзгартириб, баъзан бузиб ёзиш ҳоллари Навоий каби улуғларни ҳам ўйлантириб, ҳайрон қилиб қўйиган ва шу туфайли ундан ўз мақсадлари бўйича фойдаланишдан гоҳ воз кечган бўлиши мумкин.



## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**
Шу кунларда сиздан ҳар бир ишда синчковлик ва тезкорлик талаб этилади. Бир зумга бўлсада зийракликни бой берманг.

**СИГИР (22.04-20.05)**
Айни кунларда асосий эътиборни соғлиғингизга қаратмасангиз, келгусида хасталик туфайли муҳим ишларни бой берасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**
Ким нима деса ишониб кетаверадиган киши эмассиз. Шундай бўлсада айни кунларда бирор маслаҳатгўйга эҳтиёж сезасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**
Ижодий кўтаринки кайфият сизга ҳамроҳ бўлиши боис, ишда бир қанча муваффақиятларга эришасиз. Устига-устак обрўйингиз ҳам ортади.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**
Узоқ сафарга чиқишга тўғри келса, бирор иложини қилиб уни кейинроққа қолдиришга ҳаракат қилинг. Кечиктирилган сафарингиз кўнгилли ўтади.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09)**
Айни кунларда сизга ўзингиз анчадан бери кутаётганингиз — катта даромад келтирувчи ишни таклиф этадилар. Етти ўлчаб, бир кесинг.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**
Шу кунларда бошингиз турли меҳмондорчилик ва зиёфатлардан чиқмай қолиши тайин. Лекин бу тадбирлар фаолиятингизга салбий таъсир қилиши мумкин.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**
Шу кунларда асабларингиз таранг тортилган. Беҳудага қизишиб, атрофдагилар билан сўз талашасиз. Имкон топиб, дам олинг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**
Молиявий ишларингиз кутилган натижаларни бермаса-да, тушкунликка тушманг. Керак бўлса барчасини бошидан бошланг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)**
Яқин кишингиз билан муносабатингиз ёмонлашиши мумкин. Сизга маслаҳат, — айбни аввало ўзингиздан изланг, шунда вазият чигаллашмайди.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**
Шу кунларда чўнтагингизнинг «маза«си бўлмасада, бирон совға харид қилишда зиқналик қилманг. Харажатларингизнинг мукофоти бўлади.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**
Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларни айни кунларда ҳал қилишга киришманг. Сизни чув туширмоқчи бўлганлар чувварани хом санашганини тушунишсин-да.

Ҳикоят

# ЭЗГУЛИК ИЖОБАТИ

***Бир киши ичкиликка жуда муккасидан кетган эди. Кунларнинг бирида у ҳамтовоқларини тўплаб, майшатга ўтирди. Ва қулларидан бирига тўрт танга бериб, егулик учун бозорга жўнатди. Қул бозорга кетар экан, йўлда оломонга дуч келди. Мансур ибн Аммор (р.а.) камбағал бир кимса учун хайру садақа йиғар эди:***

— Ким бу йўқсил учун тўрт танга эҳсон этса, унинг ҳаққига тўрт дуо ўқийман. Тўрт тилаги ижобат бўлади, — дер эди.

Қул бозорга бориш фикридан қайтиб, бисотидаги тўрт тангани Мансурга берди.

Мансур сўради:

— Эй одам, қандай тилагинг бор? Сўйла, дуо қилай!

Қул жавоб берди:

— Илк тилагим: хожам мени қулликдан озод этсин. Иккинчиси: бу тўрт тангани Ҳақ таолога менга бир дирҳам қилиб қайтарсин. Учинчиси: Худо хожамга тавба қилишни иноят этсин. Тўртинчиси: мен ва хожам оиласининг ва бутун қавмнинг гуноҳларини Яратганнинг ўзи кечирсин.

Мансур ибн Аммор қулнинг тилаклари ижобатини Аллоҳдан сўраб дуо қилди. Қул уйга қайтгач, хожаси ундан:

— Нега ушланиб қолдинг? — деб сўради.

Қул Мансурни учратганини ва тўрт тилаги ижобатига ўқилган дуо учун тўрт тангани Мансурга берганини гапириб берди.

Хожаси:

— Яхши, фақат айт, нималарни сўрадинг? — деди.

Қул айтди:

— Дастлаб озодлигимни тиладим.

Хожаси: — Озод этдим, — деди.

Сўнгра бу тўрт танга эвазига Аллоҳ менга бир дирҳам беришини истадим.

Хожаси:

— Бир дирҳамни, мана мен сенга бераман, — деди.

Учинчиси, Худодан сенинг тавба қилишингни сўрадим.

Хожаси: — Тавба қилдим! — деди.

Тўртинчиси эса, мени ва сенинг оилангни ҳамда бу қавмни Аллоҳ ўз паноҳида асрашини ва гуноҳларимизни афв этишини сўрадим, — деди.

Хожаси:

— Баракалла, аммо бу менинг қўлимдан келмайди, — деб жавоб берди.

Ниҳоят уйқу маҳали барча қатори хожа ҳам уйқуга кетди. Ва тушида бир овоз эшитди:

— Эй банда! Сен қўлингдан келган барча ишни қилдинг. Энди биз ҳам имкон қадар сенга марҳамат этамиз. Биз ҳаммангизнинг гуноҳларингизни афв этдик ва Мансур ибн Аммордан ҳам марҳаматимизни дариғ тутмадик.

Хожа қувониб уйғонди. Тушини қулига, оиласига, Мансур ибн Амморга гапириб берди. Ҳаммаси хурсанд бўлишди.

**Фаррух БЎТАЕВ тайёрлади.**



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЮНИСЕФ халқаро жамғармаси ҳомийлигида Янгиқўрғон тумани Навкент қишлоғида "Болажон" ўқув-ишлаб чиқариш маркази иш бошлади. Натижада тумандаги 60 нафар аёл иш билан таъминланди. Бу ерда тикувчилик, қандолатчилик, гилам тўқиш цехлари ишлаб турибди. Шунингдек, марказда нон ва нон маҳсулотлари, болажонлар учун бежирим ўйинчоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: **Марказнинг болалар ўйинчоқлари ясовчиси Барно Абдураимова.**

Оила спорти

**Фарғона вилояти**

***Вилоятда оилавий спортни ривожлантириш, кичик ва ўрта ёшдаги болаларни спортга жалб этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида ўтказилган вилоят мусобақаси ҳам исботлади.***

## ҲАМДАМЖОН ОИЛАСИ ҒОЛИБ

Ушбу мусобақанинг вилоят босқичи мусобақалари Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида ўтказилди. Унда ҳудудлар бўйича ўтказилган мусобақалар ғолиблари билан бирга шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашдилар. Мусобақа спортнинг баскетбол, арқон тортиш, қопда сакраш, эстафета сингари бешта тури бўйича ўтказилди.

Данғара туманидаги Сайрам қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳамдамжон Ражабов вилоят мусобақасининг барча турларида турмуш ўртоғи Шоҳидахон, ўғли Хуршиджон, қизи Муножотхонлар билан қатнашди ва энг кўп очко тўплади. Ташкилий қўмита қарорига асосан бу оила вилоят босқичининг мутлоқ ғолиби деб топилиб, республикада ўтказиладиган мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Қодир ШОДМОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, "Олтин мерос" халқаро жамғармаси, "Нуроний" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида 2004 йил 21-23 апрель кунлари**

**Аскиячи ва қизиқчиларнинг олтинчи анъанавий республика кўрик-танловининг**

**якуний босқичи ўтказилади. Кўрик-танлов 21 апрель куни соат 10.00 да Қўқон шаҳар Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланади.**

## КЎРИК-ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

**Мазкур кўрик-танлов уч босқичда ўтказилиб, унинг биринчи ва иккинчи босқичлари жойларда, яъни вилоятлар, туман ва шаҳар марказларида бўлиб ўтади. Бу кўрик-танловда иштирок этувчи ижрочилар миллий саҳна либосларида чиқишлари, қуйидаги махсус йўналишлар бўйича дастурлар тайёрлашлари шарт:**

**Аския ижрочилари — умумий гуруҳлар иштирокида гала аския, мавзули ва турли йўналишдаги пайровлар ижро этадилар. Ижро вақти — 15 дақиқа.**

**Миниатюра театрлари ҳаётда учрайдиган қизиқ воқеалар акс этган кичик саҳна асарларини намойиш қиладилар.**

**Қизиқчилар — машҳур кулги дарғалари ижро этган саҳна асарларидан намуналар, муқаллидлик (пародия), пантомималар ёрдамида ҳаётий лавҳаларни акс эттириш ва ўзлари танлаган эркин мавзудаги дастурларини ижро этадилар. Ижро вақти — 10 дақиқадан ошмаслиги шарт.**

**Аскиячи ва қизиқчиларнинг Республика кўрик-танловида ғолиб деб топилган ижролари Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази ҳамда тегишли ташкилотлар ва ҳомийларнинг I, II, III даражали дипломлари, фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо соврин ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.**

**Танлов ғолибларига Республика миқёсида ўтказиладиган анъанавий Наврўз умумхалқ байрамида, Мустақиллик кунига бағишланган катта байрам тантаналари ва турли маданий-оммавий тадбирларда қатнашишлари учун тавсиялар берилади. Ғолибларнинг якунловчи томошаси 23 апрель куни соат 17.00 да бўлиб ўтади.**

А.ҲАКИМОВ чизган расм.



*— Стадион қуриб бермагунча раиснинг томорқасида тўп тепаверамиз.*

*МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!*

*Тошкент вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Паркент тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Акбар ака Юнусовнинг табаррук 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Ҳамда уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.*

*МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!*

*Сурхандарё вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Қизириқ тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Гуласал Умбарованинг таваллуд куни муносабати билан қутлайди, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.*

Утерянный аттестат №251394 выданный 1983 году школой №110 Ленинского района г. Ташкента на имя Егеревой Елены Борисовны, считать недействительным.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси Юсуф Саккокий маҳалласи оқсоқоли Абдусамат Абдумаликовга отаси **Абдуҳаким** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Mahalla**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

**Аъзам ГАДОЙБОЕВ,**
**Акмал САИДОВ,**
**Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,**
**Бобур АЛИМОВ,**
**Рустам ҚОСИМОВ,**
**Расул РАҲМОНОВ**
**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Мавлуда ҚОСИМОВА**
(бош муҳаррир ўринбосари),
**Бахтиёр РИЗАЕВ,**
**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**Таъниберди ҚУРБОНОВ,**
**Эркин ҒУЛОМОВ.**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
**Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.**

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими:
136-57-62.

8547 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-526 Топширилди—